қўлланилавермайди. Бу номни қозониш учун ҳадис илмида ўз ўрнига эга бўлиш лозим. Бу унвонлар қандай маънога эга?!

Муҳаддис – ҳадисларни санади билан ривоят қилган киши. Абу Бакр ибн Абу Шайба муҳаддис бўлган кишининг имло йўли билан 20 000 ҳадис ёзиши кераклигини таъкидлаган. Аҳмад ибн Ҳанбал эса 100 000 – 200 000 ҳадис ҳам муҳаддис дейишга муносиб эмаслигини, 300 000 ҳадис билган киши муҳаддис ҳисобланишини айтган.

Муснид – ҳадисни санадли ўлароқ ривоят қилган киши.

Шайх – ўзидан ҳадис олинган киши. Ҳадис олими.

Муҳаддиса, Муснида ва Шайха таъбирлари эса ҳадис олими бўлган аёллар учун қўлланилади.

Карима ўзини ҳадис илмига бағишлаган. Ҳаётида ҳеч оила қурмаган. Ҳадис илмида сўз соҳибаси бўлган ва яшаган даврида «Саҳиҳул Бухорий» ижозатини берган бир муҳаддиса номига эришган.

ФОТИМА БИНТ АЛОУДДИН САМАРҚАНДИЯНИНГ ОТАСИ

Фотима бинт Алоуддин илк фиқҳий билимларни даврнинг машҳур ҳанафий фақиҳи бўлган отаси Алоуддин Самарқандийдан олди. Отасининг «Туҳфатул фуқаҳо» номли асарини ёд олди. Ўз даврининг ривожи бўлган илм ва санъат соҳаларида етук фақиҳ ва ҳадис олимаси, шунингдек, ҳуснихат устаси бўлди. Отасининг ёнида фиқҳдан таълим олиш баробарида «Туҳфатул фуқаҳо» асарини ҳифз қилганди. Ҳанафий мазҳабининг нозик жиҳатларини, турли фиқҳий масалаларни ёд олган ҳамда хатосиз шаклда нақл қиладиган савияга етган эди. Ҳанафий мазҳабининг фиқҳий мавзуларида етук билим соҳибаси бўлган гўзал қиз Фотимага Анадўлуда истиқомат қиладиган баъзи бейлар талабгор бўлганлар. Фақат отаси ўзи излаган куёвни улар орасида тополмагани учун қизининг никоҳи борасида сабр қилиб, энг хайрлисини кутарди. Дарди ва давоси илм, ирфон, талаба етиштириш ва уммат бўлган бир олима; айни дардда бўлган бошқа бир олимнинг қизи учун талабгор бўлади. Ҳар бир ота қизининг яхши бир куёв билан оила қуришини истайди. Қайси ота кўз қорачиғидек қизига хайрсиз куёв истайди. Ота бу борада ниҳоятда эътиборли бўлиши керак. Буни қандай уддасидан чиқади? Агар ота қаҳвахоналардан келмайдиган, вақт ўтказадиган жойлари фақат футбол ўйинларини томоша қилишдан иборат бўлса, қизини ҳам айнан

ўзига ўхшаш одамлар излаб келади. Афсуслар бўлсинки, ота қизини ичкилик ичадиган, саёқларга беришни истамайди, лекин ўзи ҳам ўша ўрталардан узоқлашмайди. Имом Самарқандий каби бир олим ҳам унингдек бир олим қизга талабгор бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг покиза, муборак қизига Алининг толиб бўлгани сингари. Имом Косоний, устозининг «Туҳфатул фуқаҳо»сини ёд олади ва «Бадоеъус-саное» номли асари билан шарҳ қилиб, устозига тақдим этади. Самарқандий бу ҳолатдан ниҳоятда севинади ва Косонийни қизи Фотима билан никоҳлайди. Бу шарҳни ҳам маҳр ўлароқ қабул қилади. Шу сабаб бўлиб ўша даврда олимлар орасида шундай сўз билан машҳур бўлади: «Устозининг «Туҳфа»сини шарҳ этди ва қизига уйланди». Эслашнинг гўзаллигини кўряпсизми? Илм ифорли бир никоҳ. Бизлар қандай маданиятнинг фарзандларимиз, биласизми?! Ҳозирда эса ота-оналар, куёв излаганида қандай шартлар қўйишади? Аллоҳим, биз қандай бу ҳолга келиб қолдик. Шу туфайли ҳам авлодларимиздан Имом Аъзамлар, Имом Аҳмадлар етишиб чиқмайди. Мантиғимиз ва ахлоқимизга путур етган. Келажакни кўра олмаймиз. Охири аниқ бўлган бу дунёлик бўлганмиз. Имом Самарқандий эса мақсадимизни улуғ қилиб, ўзидек олим бўлган бир куёвни излаган. Ўзи яшаган асрнинг ва бизларнинг ҳайрат билан ўқиганимиз бир оила саодатини барпо этган. Имом Косоний кейинчалик Фотима билан Ҳалабга дарс бериш учун кетади. Имом Косонийнинг талабалари айтадики: «Баъзан устозимиздан қийин саволлар сўрардик. У биздан рухсат олиб уйига кетарди.

Уйдан келиб, бизнинг саволимизга жавобни аниқ далиллари билан тушунтириб берарди. Ва жавоби аниқ, қисқа бўларди. Кейин билдикки, Имом Косоний бу саволларнинг жавобини олиш учун Фотиманинг ёнига кетар, ундан олган жавобларини келиб, бизга айтарди».

Ҳишом Абу Урва – Имом Абу Ҳанифа ва Имом Моликнинг устози. Аёли Фотима бинт Мунзирдан илм ўрганган. Илк даврлардаги Ислом олимларининг ҳаёти мана шундай эди. Оналардан, аёллардан, қизлардан ёки бошқа аёл олималардан сабоқ олишдан ҳаё қилмасдилар. Ҳатто улардан дарс олганлари учун фахрланардилар.

ШУҲДА БИНТ АҲМАДНИНГ ОТАСИ

Муҳаддис бир отанинг қизи бўлган Шуҳда бинт Аҳмад Бағдодда дунёга келди. Отаси Абу Наср Аҳмад Фараж ибн Умар Бағдоднинг етук муҳаддисларидан эди. У ҳам бошқа олима етиштирган оталар сингари қизини кичик ёшдалигиданоқ илм мажлисларига олиб борган, ҳадис илми билан таништирган. Кичик ёшиданоқ Бағдодда машҳур устозларнинг дарсларига кирди ва бир қанча китобларни ўқиб, ўрганди. Ҳуснихати гўзал бўлиб, бир нечта китобларни кўчириб ёзгани учун «Котиба», узоқ умр кўрганлиги сабабли «Муаммара», аёллар орасида илми билан шуҳрат қозонгани учун «Фахрун-нисо» каби кунялар билан танилган. Чиройли ҳуснихатли бўлиш нима учун бунчалик муҳим дейишингиз мумкин. Бунинг сабаби, сизга маълумки, у пайтларда техника ривожланмаган, барча илмий китоблар инсонларнинг қўлёзмалари орқали авлодларга етказиларди. Шу туфайли гўзал ҳуснихат алоҳида аҳамиятга эга эди. Китобларининг чиройли ёзилишига диққат қилгани сабаб ҳадисчилар наздида мўътабар саналарди. Шуҳда ал-Котиба Бағдоддаги энг мўътабар санад силсиласига соҳиб бўлганлиги учун «Муснидатул Ироқ» деган ном қозонган эди. Унинг ривоятларини эшитиш учун истаган талаба узоқ масофалардан келиб, ундан ижозат олар ва ҳадис ёзарди. Шу боисдан ҳадисчилар орасида «Жиҳат» (унга бориладиган, кетиладиган) лақабини ҳам олган эди. 8 ёшида ҳадис дарсларига отасининг ортидан эргашиб

борган бир қизалоқнинг вақти келиб, илмдаги топган ўрнини кўриб, ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Бизлар бу каби муҳаддисларни ўзимиз яшаган даврда учратмаганимиз сабабли ҳайрон қоламиз. Лекин у даврларда ҳадисларни бундай ёд олиш меъёрий бир ҳолат ҳисобланарди. Уни кичик ёшида ҳадис олимларининг ҳузурига олиб борган ота қандай ҳам азиз инсон. Кичик ёшда ҳадис ўрганган Шуҳда ҳам азиздир. «Ҳали кичкина. Ҳадис илмида бу қизчага нима бор?» демаган Бағдод олимлари ҳам азиз кишилардир. Мана, биз ўрганиб, амал қилган ҳадисларимиз бизгача қандай муборак зотлар орқали бизга етиб келган.

ФОТИМА БИНТ САЪДУЛ ХОЙРНИНГ ОТАСИ

Кичик бир қизалоқ қаерда бўлиши мумкин? Истироҳат боғида ёки шунга ўхшаш бирор жойда. Қизчаларнинг бошқа ерда бўлиши хаёлга келмайди. Фотиманинг отаси Абул Ҳасан Саъдул Хойр қизини кичиклигида Исфаҳоннинг ҳадис илмида таниқли бўлган Фотима бинт Абдуллоҳ Жуздонийянинг ҳадис дарсига олиб борган. У пайтларда Фотима бинт Абдуллоҳ Табаронийнинг «Мўъжамул Кабир»ини ўқитар эди.

Абул Ҳасан Саъдул Хойр қизи ўз даврининг энг моҳир ҳадис олимларидан илм ўрганиши учун унга бор имкониятни яратиб беришга ҳаракат қилган. Қизини Бағдодга олиб бориб, Ҳибатуллоҳ ибн Ҳусайннинг вафотидан бироз олдин ундан ҳадис тинглашига шароит яратиб берди. Шу билан бирга, Абул Ҳасан айни шу шаҳарда ҳаётининг сўнгги вақтларини яшаган Абу Ғолиб ибн Баннодан ва Зоҳир ибн Тоҳирдан ҳадис таҳсил олдирди. Фаҳмлаган бўлсангиз, Абул Ҳасан олимлар вафот қилмасидан бурун қизига ҳадис ўрганиб қолишига шошилади. Бу ҳадислар олимларимиз учун жуда аҳамиятлидир. Чунки улар биздек интернет орқали ҳадис ўрганган эмас. Ҳозирда кишини қувонтирадиган бир ҳолатни айтиб ўтгим келди. Эндиликда илм мажлислари ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқалмоқда ҳамда «Аллоҳни ким яратди?», «Намозга бошлаган суҳбат», «Ёш атеистнинг иймони» сингари номлар билан тарқалган суҳбатлар жуда кўпчиликни ўзига тортмоқда. Роббим бу ишларни олиб борувчилардан

рози бўлсин. Ўз самимиятимиздан шубҳа қиламиз, аммо уларнинг самимиятидан шубҳа қилмаймиз. Фақат, шу шаклда давом этиладиган бўлса, хато бўлади. Фикримни исботлаш учун дўстим Ҳофиз Усмон Бўстончи билан бўлган бир воқеани айтишим мумкин: у бир куни мажлислардан бирига суҳбат учун борди. Қуръон оятларини ўқиб, ўқиган оятларини шарҳлар эди. Суҳбат охирида мажлисдагилардан бири: «Биродар, бу айтганларингни сен билан мен тушунамиз. Лекин ёшларга бу оғирлик қилади», – дейди.

Буни гапирган киши ўзича ҳақлидир. Лекин у ерга келадиганлар қачон оят ва ҳадисга тааллуқли мавзуларни тинглайди? Қачон оят ва ҳадис мавзусидаги суҳбатларга навбат келади?! Очиқча айтаверайлик. Ҳадис суҳбатларининг тингловчиси жуда кам бўлганлиги учун бу мавзуда суҳбатлар қилолмаяпмиз. Суҳбат олиб борувчиларнинг қўлида неча йиллардан бери хатиблар учун қўлланма сифатида тузилган битта китоб. Агар келган тингловчиларга бошқа китоблардан, масалан, «Риёзус-солиҳийн»дан суҳбатлар қилса, тинглаганлар ҳам сиқилмасди. Афсуски, ҳадис суҳбатлари юқорида айтганимиздек бошқа мавзудаги мажлислардек рағбат кўрмаябди.

ФОТИМА БИНТ СУЛАЙМОННИНГ ОТАСИ

Қироат ва ҳадис олими бўлган бир отанинг фарзанди Фотима бинт Сулаймон, отасининг изидан бориб, муҳаддис бир хоним шарафига муяссар бўлди. Отаси қизини жуда барвақт Дамашқнинг таниқли муҳаддисларидан Муслим ибн Аҳмад Мазиний, Карима бинт Абдулваҳҳоб ва Ибн Равоҳа каби таниқли олимларнинг дарсларига тингловчи сифатида олиб борди. Бир ҳадис олимига муносиб ўзгача ҳаяжон билан қизига ҳам илм ўргатган бу муборак инсон, қизи билан биргаликда Шом, Ироқ ва Ҳижоз шаҳарларига илмий саёҳатлар қилди. Қизининг ушбу ерларда яшайдиган 100 дан ортиқ муҳаддислардан илм олишини таъминлади.